



230100, Nokis qalasi, Dosnazarov kishesi 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kk.edu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kk.edu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

2021-j. «23» июль

№ 01-04/02-3387

« » 2021 г.

Қарақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши Раиси

Қ.Сарievга

Хурматли Қаҳраман Раматуллаевич!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сонли Қарорининг **12-банди 2-хатбоши** ва Президентимизнинг 2021 йил 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган топшириқлари бўйича **4-сонли баёнининг 89-банди** ва шу йил 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлиснинг **33-сонли баёни 94-банди**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш департаментининг 2021 йил 28 январдаги **08/1-1059-сонли хати** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ва Қарақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-6108-сонли Фармони** ва 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-4884-сонли Қарори** ижросини Қарақалпоғистон Республикасида таъминлаш бўйича **Йўл харитаси**”нинг **17-банди**, қолаверса, Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 16 марта **5/888-сонли хатида** келтирилган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида, хусусан, Қарақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги умумтаълим муассасаларига “Ўзбектелеком” АК Қарақалпоғистон Республикаси филиали томонидан шартнома асосида кўрсатилаётган Интернет хизмати учун тўловларни амалга оширишда маҳаллий бюджетдан маблағ


ажратиш масаласида муаммолар келиб чиқмоқда. Натижада, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига, ушбу филиалга, мактабларга кўрсатиб келаётган интернет хизмати учун маҳаллий бюджет ҳисобидан тўланиши керак бўлган **616 849 847 сўмлик дебиторлик қарздорлик юзага келганлиги** қайд этилмоқда ва, шу сабаб, мактабларимиздаги интернет хизмати автоматик тарзда тармоқдан ажратиб қўйилмоқда. Ваҳоланки, қайд этиб ўтилган бошқарув хужжатларида, мактабларга кўрсатилаётган Интернет хизмати учун маблағлар худудларда **маҳаллий хокимият томонидан, ўз вақтида ва маҳаллий бюджет ҳисобидан тўлаб борилиши таъминланиши** белгиланган. Жумладан, Президентимизнинг яқиндагина, 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлиснинг **33-сонли баёни 94-бандида қуйидагича топшириқ берилган**: - “Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари, Молия вазирлиги (Ишметов), Халқ таълими вазирлиги (Шерматов) ёзги таътил даврида “Узлуксиз касбий таълим” маҳсус электрон платформаси орқали мактаб ходимларини масофавий шаклда онлайн малакасини ошириш, “Халқ таълими тизимини бошқаришнинг ахборот тизими (ERP)” дастурий мажмуасини жорий этиш ҳамда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида умумтаълим мактабларида июнь-август ойларида **Интернет хизматларини узлуксиз фойдаланишини ташкил** этиш ҳамда “Education” тариф режаси бўйича белгиланган тезликларда **Интернетдан фойдаланиш харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўз вақтида тўланишини таъминласин**”.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, қайд этиб ўтилган бошқарув хужжатларида белгиланган топшириқларни сўзсиз ижро этиш ҳамда, ҳозирги кунда, Халқ таълими тизимида Интернет тармоғи орқали ишлайдиган ҳар-хил электрон тизимлар, шу жумладан ERP бошқарув электрон тизими ҳам жорий этилгани ва этилаётгани туфайли, мактаблар иш фаолиятида ушбу тармоқ узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, Сиздан, мактабларимизга уланиб турган “Education” тарифли **Интернет хизмати учун маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағлар ўз вақтида ва керакли микдорда ажратиб борилишида ҳамда юзага келган 616 849 847 сўмлик кредиторлик қарздорликни ёпишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз**.

Юқорида қайд этиб ўтилган бошқарув хужжатлари нусхалари ва зарур бўлган маблағлар сметаси иловада келтирилган.

Илова: электрон кўринишида.

Вазир



R.Реимов

Ижрочи: Ф.Оспанова
Тел: 61. 222-28-49

Xalq ta’limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havollalar orqali xabardor bo’lishingiz mumkin



www.uzedu.uz



t.me/uzedu



facebook.com/uzedu



instagram.com/uzedu.uz

Қоракалпостон Республикаси Халк тәлдими вазирилди тизимдеги умутаудын мактабларда интернет тарифини «Education» тарифига ўтказиш учун зарур бўлган маблаглар бўйича

Маълумот

№	Ойлик тулови	КҚС тулови билин бирга нархи	Интернетта уланган нуктадар сони	Жами сумма КҚС билан бира (бир ойга)	Жами 9 ой учун	2021-йил бюджет	Параметрларида интернет харажатлари учун 10 ойга ажратилган маблағ	Жами зарур бўлган маблаг
						Параметрларида интернет харажатлари учун 10 ойга ажратилган маблағ		
1	«Education» -1 тарифи бўйича абонент тулови 10-мб/сек	200 000	519	85 800 000	1 038 000 000			
2	«Education» -2 тарифи бўйича абонент тулови 40-мб/сек	550 000	130	71 500 000	715 000 000	1 102 208 627		
3	«Education» -3 тарифи бўйича абонент тулови 100-мб/сек	1 050 000	69	72 450 000	724 500 000			
	Жами:		718	229 750 000	2 477 500 000	1 102 208 627		1 375 291 373

“Education” тарифи учун жами зарур бўлган 1 375 291 373 сум маблагдан келиб чиккан буругни кундаги кредиторлик карздорлик 616 849 847 сумни ташкил килади

Молизий тахлил режалаштириш бўйими бош икисидини

А.Калимбетов